



Lexical features of the English equivalents of Uzbek proverbs expressing national values

Shahobiddin ASHUROV¹

Samarkand State Institute of Foreign Languages

ARTICLE INFO

Article history:

Received November 2022

Received in revised form

10 November 2022

Accepted 25 December 2022

Available online

25 January 2023

Keywords:

national proverbs,
proverb equivalents,
lexical component,
differential and isomorphic
features,
linguoculturological
features.

ABSTRACT

This article discusses the English equivalents of Uzbek national proverbs and their lexical features within the framework of linguoculturological interpretation. In particular, taking into account the semantic and structural features, several types of classification of alternative variants of international proverbs in the Uzbek and English languages have been developed, and an analysis of the semantic aspects of their lexical layer has been carried out. Through a comparative study of national proverbs relating to two different cultures and worldviews, their differential and isomorphic features are highlighted. Due to this, special attention is paid to the thematic diversity of Uzbek national proverbs, which cover the most complex problems of social life and detailed traditions of family life.

2181-3663/© 2023 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-3701-vol1-iss1-pp1-10>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Миллий қадриятларни ифодаловчи ўзбекча мақолларнинг инглизча муқобилларига хос лексик хусусиятлар

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

миллий мақоллар,
муқобил мақоллар,
лексик компонент,
дифференциал ва
нодифференциал
хусусиятлар,
лингвимаданий
хусусиятлар.

Ушбу мақолада ўзбек халқ мақолларининг инглизча муқобиллари ва уларнинг лингвимаданий талқинидаги лексик хусусиятлари борасида фикр юритилган. Хусусан, бундай интернационал мақолларнинг ўзбек ва инглиз тилларидаги муқобил вариантлари семантик ва таркибий хусусиятларига кўра бир неча турларга таснифланган ҳамда уларнинг лексик қатлами ўзига хос махсус семантик жиҳатлари асосида таҳлил қилинган. Шунингдек, икки хил

¹ PhD, Associate professor, Samarkand State Institute of Foreign Languages, Samarkand, Uzbekistan.
E-mail: shahobashurov576@gmail.com

маданият ва дунёқараш соҳибларига тегишли халқ мақолларини қиёслаб ўрганиш орқали улар ўртасидаги дифференциал ва нодифференциал хусусиятлар очиб берилган. Бу орқали ўзбек халқ мақоллари мавзусининг ранг-баранглиги, яъни ижтимоий ҳаётнинг энг мураккаб муаммоларидан тортиб оилавий ҳаётнинг энг кичик урф-одатларини қамраб олганлигига алоҳида эътибор қаратилган.

Лексические особенности английских эквивалентов узбекских пословиц, передающих национальные ценности

Ключевые слова:

народные пословицы, эквиваленты пословиц, лексический компонент, дифференциальные и изоморфные признаки, лингвокультурологические особенности.

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются английские эквиваленты узбекских народных пословиц и их лексические особенности в рамках лингвокультурологической интерпретации. В частности, с учетом семантических и структурных особенностей разработано несколько типов классификации альтернативных вариантов интернациональных пословиц в узбекском и английском языках, а также проведен анализ семантических аспектов их лексического пласта. Путем сопоставительного изучения народных пословиц, относящихся к двум разным культурам и мировоззрениям выделены их дифференциальные и изоморфные признаки. Благодаря этому, особое внимание уделяется тематическому разнообразию узбекских народных пословиц, которые охватывают самые сложные проблемы общественной жизни и детальные традиции семейной жизни.

Инсон дунёни билиш учун дастлаб, тилни билиши лозим. Тил орқали умуминсоний, тарихий ва миллий қадриятларни англаш мумкин. Ҳозирги замонда ҳар қандай инсон ўзининг ўтмишини ўрганиш мақсадида авваламбор, маданият манбаларидан бири саналган тилга эътибор қаратиши табиий ҳол. Ваҳоланки, ҳеч бир тилни унинг қадимги ўтмишини акс эттирадиган мақол ва маталларсиз тасаввур этиш қийин. Мақол ва маталларга ўзларида, яъни қисқа сатрларда соғлом фикр ва ўзига хос ҳаётий қонуниятларни акс эттирадиган микролам сифатида баҳо берилади. Айнан шунинг учун ҳам мақол ва маталлар тилда муҳим ўрин эгаллайди ва уларни лингвистик тадқиқотлар объекти сифатида ўрганиш эса тилшуносликнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Паремиологик бирликларни тадқиқ қилиш борасида ўзбек олимларидан Ш. Раҳматуллаев, М. Содиқов, М. Абдурахимов, А.Е. Маматов, Б. Юлдашев, Н.З. Насруллаева ва Г. Эргашеваларни санаб ўтиш жоиз. Ушбу соҳада рус олимларидан А.Н. Афанасьев, А.А. Потенбя, Ф.И. Буслаев, К.И. Григас, Г.Л. Пермяков, А. Дандис, Х. Касарес, В.В. Гвоздев, Ю.И. Левин ва В.П. Жуковларнинг тадқиқотлари кўпчиликни ташкил этади.

Маълумки, мақол ва маталлар грекча “*доно фикр, ҳикматомуз фикр*” маъносини англатувчи *паремия* сўздан олингандир. Паремиологик бирликларнинг тилшуносликда етарли даражада серқиррали жиҳатдан кенг тарзда ўрганилишига қарамасдан, уларнинг лингвистик тавсифи ҳануз мунозарали ва баҳсталаблигича қолмоқда. Ҳозирги кунга келиб, мақол ва маталлар лингвомаданий нуқтаи назардан ўрганила бошланди. Бундай ўрганиш уларнинг мазмуний аспектини тўлиғича очиб беришга ёрдам беради.

Мақол ва маталларни лингвомаданий нуқтаи назардан ўрганиш уларнинг миллий ва маданий хусусиятларини ўрганишга олиб боради. Шунингдек, мақол ва маталлар когнитив тилшунослик нуқтаи назаридан ҳам ўрганилади ва бунда халқнинг ўзига хос дунёқараши инобатга олинади. Мақол ва маталларни тадқиқ этиш жараёнида албатта, дунёнинг тилга хос тасвирига эътибор қаратиш лозим бўлади. Бинобарин, ҳар қандай тилда сўзловчининг дунёни қандай қабул қилиши дунёнинг тилга хос тасвирини ифодалайди. И.Ю. Шведова бу ҳақида шундай фикр билдиради: *“Языковая картина мира – это выработанное многовековым опытом народа, осуществляемое средствами языковых номинаций изображение всего существующего как целостного и многоступенчатого мира в своем строении и в осмысляемых языком связях своих частей, представляющего, во -первых человека, его материальную и духовную жизнедеятельности и, во – вторых, все то, что его окружает: пространство и время, живую и неживую природу, область созданных человеком мифов и социум”*.

Бундан ташқари, В.В. Колесов мақолларнинг шаклланиш асосларини қуйидагича изоҳлайди: *“Становление пословицы связано с пониманием человеком своего места в мире, с диалектикой познания мира: пословица является результатом “спора, диспута, словесного турнира”*.

Мақол ва маталлар халқ ижодининг маҳсули саналиб, унинг донишмандлиги асосида пайдо бўлади. Т.Г. Бочина *“мақоллар нафақат қўлланилишига кўра, балки, пайдо бўлишига нисбатан ҳам диалогик характер касб этади, зеро, мақоллар ортида халқнинг кўп асрлик тарихи ётади, бу ҳолат эса ўтмиш учун натижа, келажак учун эса имконият саналади”* деб таъриф берганда мутлақо ҳақ эди.

Миллий қадриятларни ифодаловчи паремиологик бирликларни (ПБ) семантик, яъни маъно жиҳатидан таҳлил қилар эканмиз, энг аввало “*ҳаёт қомуси*”, “*оғзаки энциклопедия*”, “*ўзига хос бадий тарихий солнома*” каби таърифларни ўзларида мужассам этган халқ мақолларига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Мақоллар кишиларнинг ақлини ўткирлаштиради, нутқини равшан ва таъсирчан қилади, ҳаётда тўғри йўлни танлашга, ҳаётий жумбоқлар ва муаммоларни тўғри ечишга ўргатади, турмушнинг жамийки катта-кичик масалалари хусусида қимматли маслаҳатлар беради. Умуман олганда, инсоният яратган мақолларнинг мавзуси кенг ва ранг-барангки, уларда ижтимоий ҳаётнинг энг мураккаб муаммоларидан тортиб, оилавий ҳаётнинг энг кичик урф-одатларигача, олий ахлоқий нормалардан тортиб, кишилар характеридаги майда нуқсонларгача, фалсафий дунёқарашдан тортиб, энг кичик жониворларнинг хусусиятигача ўз инъикосини топган. Қисқа қилиб айтганда, табиат ва жамиятнинг мақолларда ўз аксини топмаган бирор соҳаси мавжуд эмас. Мақолларни ўрганиш баробарида ушбу мақол тегишли бўлган халқнинг миллий урф-одатлари, маънавияти ва маданияти ҳамда турмуш тарзидан келиб чиққан

холда ёндашиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, турли тилларда учрайдиган бир хил маъноли мақоллар, яъни интернационал маъноли мақолларнинг инглиз ва ўзбек тилидаги шаклларига эътибор қаратсак, уларнинг ҳар бири ўз ҳалқининг миллий хусусиятлари орқали шаклланганлигидан далолат беради.

Мақоллар кўп асрлик ҳаётий тажрибалар, доимий кундалик кузатишлар хулосасини тугал фикр тарзида қатъий қутбийликда ифодалар экан, уларда ҳар бир сўзнинг маъно хилма-хиллиги, ибораларнинг турғунлиги, шаклий барқарорлик устунлик қилади. Аммо қўлланиш ўрнига қараб уларнинг маъно доираси доимий равишда кенгайиб боради. Шунинг учун ҳам мақолдаги ҳар бир сўзга алоҳида эътибор бериш керак. Уларда шундай сўзлар борки, бу сўзлар тарихан бутунлай бошқа маъноларни англатган. Масалан, *туз* сўзи бугунги кунда минерал моддани билдиради. Мақолларда эса бу сўз *тўғри, одобли; дала, текислик; сингари* маъноларни англатган : *Қиз сақласанг, туз сақла; Туздаги билан эмас, уйдаги билан бўл.*

Шунингдек, *меҳнат* сўзининг *азоб-уқубат, бахтсизлик* маъносини ҳам фақат мақолларда ёки айрим шевалардагина учратиш мумкин:

Меҳнат ҳам эгиз-эгиз, давлат ҳам эгиз-эгиз.

Мақоллар сўз санъати маҳсули сифатида ўз маъносида, кўчма маънода ва ҳар иккала маънода қўлланиши мумкин. Айнан шунинг учун ҳам мақолларнинг семантикаси – маъносига эътибор қаратишни лозим деб топдик.

Инглиз ва ўзбек тилларида мавжуд мақоллар лексик жиҳатдан таҳлил қилинганда ўзбек миллий мақоллари ва уларнинг инглизча талқинлари орасида бир қанча дифференциал ва нодифференциал хусусиятларига дуч келиш мумкин. Уларга хос бундай ўхшаш ва фарқли жиҳатларига қараб қуйидаги гуруҳларга ажратишни лозим топдик:

- Барча компонентлари бир хил бўлган мақоллар;
- Умуман ноўхшаш компонентли мақоллар;
- Икки компоненти бир хил бўлган мақоллар;
- Бир компоненти ўхшаш бўлган мақоллар;
- Икки компоненти фарқ қиладиган мақоллар;
- Бир компоненти фарқ қиладиган мақоллар.

Мақолларни бундай гуруҳларга ажратиш жараёнида умуман ноўхшаш компонентли мақоллар кўпчиликини ташкил этишининг гувоҳи бўлди. Бундай мақолларнинг таркибидаги сўз – компонентлари умуман бошқа – бошқа бўлиб, биз уларни фақатгина маъносига, нимани англатишига қараб икки тилдаги бир маънони англатувчи мақоллар дея оламиз. Масалан:

Туянинг думи ерга текканда – *When pigs fly* ушбу мисолдаги компонентларни таҳлил қилганимизда ўзбек тилидаги мақолда *туя, дум, ер ва тегмоқ* сўзлари, бу мақолнинг инглизча талқинида эса *when-қачон, pig-чўчқа ва to fly-учмоқ* сўзлари ишлатилганлигини кўришимиз мумкин. Бундан англашимиз мумкинки, бу икки мақол ўртасида ҳеч қандай лексик ўхшашлик мавжуд эмас.

Шошилганда лаббай топилмас – *A watched pot never boils* ушбу мақолда *шошилган, лаббай, топилмоқ* сўзлари, бу мақолнинг инглизча муқобилида *watched-кутилган, pot – чойнак, never – ҳеч қачон, to boil – қайнамоқ* каби сўзлар ишлатилган, бундан англашимиз мумкинки агар бу мақолларни сўзма-сўз таржима қиладиган бўлсак буларни икки тилдаги бир маънони англатувчи мақол дея олмаимиз. Чунки уларнинг таркибидаги лексик компонентлар бутунлай фарқ қилади.

Подадан олдин чанг чиқарма – Don't sell the bears skin before you have caught the bear ушбу мақолда ўзбек тилидаги *пода, чанг чиқармоқ, олдин* каби сўзлар, инглизча вариантыда эса умуман бошқа сўзлар: *to sell – сотмоқ, bear-айиқ, to catch-тутмоқ, skin – тери, before – олдин* орқали ифодаланганлигини гувоҳи бўламиз. Бу мақол ва унинг муқобили лексик таркиби ҳам бир-бирига асло ўхшамайди. Аммо англашиладиган маъно туфайли улар бир-бирининг муқобили ҳисобланади.

Қолган барча мисолларда ҳам мана шу каби фарқларни кузатишимиз мумкин:

Ўзбек халқ мақоли	Инглизча муқобили	Дифференциал компонентлар
<i>Бургага аччиқ қилиб кўрпангни ёқма</i>	<i>Don't cut off your nose to spite your face</i>	<i>to cut off – кесиб ташламоқ, nose – to spite – қасд қилмоқ, your face – юзинг;</i>
<i>Узоқнинг донидан яқиннинг сомони яхши.</i>	<i>A bird in the hand is worth two in the bush</i>	<i>bird – қуш, hand – қўл, to be worth – арзимоқ, two – икки, bush – буга;</i>
<i>Беш қўл баробар эмас.</i>	<i>All bread is not baked in one oven.</i>	<i>all – ҳамма, bread -нон, is not baked – пиширилмоқ(нон), in one oven one – бир печкада.</i>

Таҳлил натижасида шунинг гувоҳи бўлдики, йиғилган мисоллар ичида барча компоненти бир хил бўлган мақоллар ҳам анчагинани ташкил қилар экан. Бундай мақоллар ҳам маъно жиҳатдан ҳам лексик жиҳатдан бир-бирига ўхшашдир. Бундай мақоллар тўлиқ мос келувчи интернационал мақоллар деб ҳам аталади. Масалан:

Балиқ бошидан сасийди – Fish begins to stink at the head ушбу мақолда *балиқ, бош, сасимоқ* сўзлари инглизча муқобилида ҳам *fish -балиқ, to begin-бошланмоқ, to stink – сасимоқ, head -бош* каби сўзлар ишлатилган

Бўш қоп тик турмайди – An empty sack cannot stand upright ушбу мақолда ҳам унинг инглизча муқобилида ҳам бир хил сўз компонентлар ишлатилган. Ўзбекчасида *қоп, бўш, тик турмоқ* сўзлари, инглизчасида ҳам *empty – бўш, sack – қоп, to stand upright – тик турмоқ* каби бир хил сўзлар ишлатилганини кўришимиз мумкин.

Деворнинг ҳам қулоғи бор – Walls have ears ушбу мақолда ҳам бир хил лексик компонентлар ишлатилган. Иккала муқобилда ҳам қулоқ ва девор сўзларининг мавжудлиги мақолдаги барча компонентларнинг бир хил эканлигини тасдиқлайди.

Қолган барча мақолларда ҳам мана шундан сўзма-сўз ўхшашликларни кузатиш мумкин.

Пул пулни топар – Money begets money мақолида эса *пул ва топмоқ, йиғмоқ* сўзлари ишлатилган.

Икки лексик-компоненти бир хил бўлган мақоллар унчалик кўп бўлмаса-да миллий қадриятларни ифодаловчи мақоллар ва уларнинг инглиз тилидаги муқобилларини таҳлил қилганда учратишимиз мумкин. Масалан:

– *“Олдингдан оққан сувнинг қадри ўйқ – We never know the value of water until the well is dry”* ушбу мақолдаги *сув ва қадр* сўзлари инглизча муқобилида ҳам *value-қадр, water-сув* мавжуд;

– “Дўстингга қарз берма, берсанг сўрама – *Lend your money and loose your friend*” бу мақоллар бир-бирига қарз бермоқ – *to lend* ва дўст – *friend* сўзларнинг ҳар иккаласида ҳам борлиги орқали ўхшаш ҳисобланади;

– Жўжани кузда санаймиз – *Don't count your chickens before they are hatched*;

– Олманинг тагига олма тушади – *The apple never falls far from the tree*;

Олиб борилган таҳлил натижасида фақатгина битта лексик компоненти бир хил бўлган мақолларга ҳам дуч келдик. Айнан мана шу бир хил сўз компонентлар бу мақолларнинг ўзаро муқобил бўлишига ёрдам берган десак ҳам тўғри бўлади.

Ўзбек халқ мақоли	Инглизча муқобили
Ҳар кимнинг <u>диди</u> бошқа;	<i>Tastes differ</i> ;
Бўрининг ўзи тўйса ҳам <u>кўзи</u> тўймайди;	<i>Eyes are bigger than one's stomach</i> ;
Мастлик – <u>ростлик</u> ;	<i>There is truth in wine</i> ;
Ёмонни кўрмай яхшининг қадрига етмайсан;	<i>We know not what is good until we have lost it</i> ;
Ўзингни эҳтиёт қил, <u>қўшинингни</u> ўғри тутма;	<i>Good fences make good neighbours</i> ;
Ёлғончининг рост сўзи ҳам ёлғон;	<i>A liar is not believed when he tells the truth</i> ;

Юқоридаги мақоллардаги *did-taste*; *kўz-eye*; *rostlik* – *truth*; *яхши* *good*; *қўшни-neighbour* сўзлари айнан бир хил лексик компонентлар ҳисобланади.

Бундан ташқари, бир ёки икки лексик компонентлари турли хил, қолган қисми эса ўхшаш бўлган мақолларни ҳам учратишимиз мумкин. Қуйида икки компоненти билан фарқ қиладиган мақолларни кўриб чиқамиз:

Бир қарға билан қиш келмас – *One swallow doesn't make summer*

Юқоридаги мақоллар бир маънони англатса-да, улар турли сўзлар билан ифодаланган. Ўзбекча мақолда *қарға* ва *қиш* сўзларидан фойдаланилган бўлса, инглизча мақолда бу сўзларга антоним бўлган *swallow* – *чумчуқ* ва *summer* – *ёз* сўзлари ишлатилган.

Деворнинг ҳам қулоғи бор – *The day has eyes* бу мақолларда ҳам худди биринчиси каби айнан бир маъно иккита бошқа-бошқа лексика билан ифодаланаяпти. Ўзбекча мақолда эҳтиёткорлик тушунчаси *девор* ва *қулоқ* сўзлари ёрдамида, инглизча мақолда эса *day* – *кун* ва *eye* – *кўз* сўзлари ёрдамида даъват этилмоқда.

Фақатгина битта сўз компоненти билан фарқ қилиб, қолган компонентлари бир хил бўлган мақолларни ҳам учратдик. Бу каби мақоллар анчагина салмоққа эга эканлигига таҳлил жараёнида амин бўлдик. Масалан:

Тақдирдан қочиб қутилиб бўлмайди – *no flying from fate*.

Ўзбек тилида *тақдирдан қочиб бўлмайди* дейилса, инглиз тилида бироз фарқли равишда *тақдирдан учиб кетиб бўлмайди* дея ифодаланган.

Одамни юзидан баҳо берма – *Don't judge a book by its cover*.

Ўзбек тилида одамларнинг ташқи кўринишига қараб уларнинг қандай инсон эканлигини аниқлашга уринмаслик кераклиги, бу ҳамиша ҳам тўғри баҳо бўлмаслиги мумкинлиги тўғридан-тўғри, аниқ ва тушунарли қилиб айтилган бўлса инглизларда мажозий маънода *одам* сўзи ўрнига *a book* – *китоб* сўзи ишлатилганлигини кўришимиз мумкин. Бу ҳам ўз навбатида ҳар икки халқнинг донолигидан дарак беради.

Буни вақт кўрсатади – *Time will tell*.

Ўзбек халқи *вақт кўрсатади*, деса инглизлар *вақт айтади* дейишади. Бу ҳам халқларнинг ўзига хослигини кўрсатиб берувчи яна бир далил ҳисобланади.

Юқоридаги барча мақоллар бир-биридан фақатгина битта сўз билан фарқ қилсада, бир хил маънони билдиради. Бундай фарқлар албатта, ҳар бир халқнинг асрлар давомида йиғилган тажрибалари сабабли келиб чиққандир. Ҳар бир халқ ўзига хос тарзда кейинги авлодларга насихат ва маслаҳатлар берган. Бунинг натижасида эса мана шундай бир-бирига ўхшаш ва фарқли мақоллар пайдо бўлган.

Тилшуносликда ҳозирги кунга қадар бу соҳада амалга оширилаётган илмий изланишлар уларнинг нақадар мураккаб тил бирлиги эканлигидан далолат беради. Шундай экан, икки хил маданият ва дунёқараш соҳибларига тегишли халқ мақолларини бир-бири билан қиёслаб ўрганиш ҳам мағриб ва машриқ замин халқлари ўртасидаги нечоғлик уйғунлик ёки аксинча тафовут мавжудлигини кашф этиш имконини беради.

Миллий қадриятларни ифодаловчи мақоллар ва уларнинг инглизча талқинлари таркибидаги сўзларни лексик жиҳатдан таҳлил қилиш давомида шу нарсага эътибор қаратишни лозим топдикки, бунда айрим сўзларнинг мақоллар таркибида қўлланилиш частотаси анча юқори ёки аксинча, яъни айрим сўзларнинг эса қўлланилиш частотаси анча паст эканлиги яққол кўзга ташланди. Мисол тариқасида биз ҳар иккала тилдаги мақолларда кўп учрайдиган сўзларни, бундан ташқари, мақолларнинг қандай сўз асосида ҳосил бўлганлигини таҳлил қилишга уриниб кўрдик.

Миллий қадриятларни ифодаловчи ўзбекча мақолларда кўпинча *кўрпа, кема, қилич, китоб, девор, гул, қарға, ум* ва *бўри* сўзлари энг кўп учраса, бу мақолларнинг инглизча талқинларида кўпроқ *book, head, ear, stick, money, apple, bird, chickens* сўзларини учратишимиз мумкин.

Миллий қадриятларни ифодаловчи мақолларда тана аъзоларини билдирувчи *калла, қулоқ, қўл, бош, оғиз, оёқ* каби сўзлар кўп қўлланилган бўлса, айни шу мақолларнинг инглизча талқинидагиларда эса *head, ear, hand, face, nose, ear, stomach, heart* сўзларни учратамиз. Бундан кўриниб турибдики, тана аъзоларини билдирувчи сўз-компонентлар ўзбекча мақоллардан кўра уларнинг инглизча талқинидаги мақолларда кўп учрар экан.

Умуман нарса-буюм номини билдирувчи отларнинг иштирокини таҳлил қилганимизда ўзбек тилидаги мақолларда *китоб, гап, девор, темир, ноғора, қошиқ, тош, кема, пичоқ, кўрпа, қилич, доира, дор* каби сўзлар мавжуд бўлса, уларнинг инглизча муқобилларида эса *book, sack, wall, iron, vessel, pot, stick, bread, oven, purse, fence, wine* каби сўзларнинг иштирокини кўришимиз мумкин.

Мақолларни ҳайвон, парранда ва ҳашарот номларини билдирувчи сўзларнинг иштирокига қараб таққослайдиган бўлсак, бу борада ҳам инглиз мақоллари олдинги сафда турганига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Миллий қадриятларни ифодаловчи ўзбекча мақолларда *қарға, балиқ, ум, бўри, қўй, ғуножин, туя, бурга, илон, жўжа* кабилар ишлатилган бўлса, бундай мақолларнинг инглизча талқинида *hawk, dog, fish, bird, horse, cat, mouse, hare, tortoise, pig, bear, monkey, swallow, chicken* сингари сўзларни кўраамиз.

Инсонларни номлаш учун ишлатиладиган отлардан миллий қадриятларни ифодаловчи ўзбекча мақолларда қуйидаги отлар ишлатилган:

Чўпон, бўзчи, она, қиз, қўшни, кулол, дўст;

Бу мақолларнинг инглизча вариантыда эса инсонларни номини билдирувчи отлардан қуйидагилари ишлатилган:

Cook, master, father, son, liar, neighbour, shoemaker, mother, daughter/

Ўсимлик номини билдирувчи отларни солиштирганимизда иккала тилдаги мақолларда ҳам қарийб бир хил сўзлар ишлатилганини кўришимиз мумкин. Миллий қадриятларни ифодаловчи мақолларда кўпроқ *гул, тикан, дарахт, олма* сўзлари, мақолларнинг инглизча талқинида ҳам худди шу каби *rose, thorn, apple, tree, peanut, bush* сўзлари ишлатилганига гувоҳ бўламиз.

Юқорида мақолларда қандай сўз иштирок этганини кўриб чиқдик. Энди эса уларни мисоллар билан исботлашга уринамиз.

№	Мақоллардаги асосий сўзлар туркуми:	Ўзбекча мақоллар:	Инглизча муқобиллари:
1.	Инсонларни номлаш учун ишлатиладиган отлар	Арқоғига қараб бўзини ол, Она сига қараб қиз ини ол.	= Like mother like daughter ;
		Бўз чи белбоққа ялчимас, қулол –мўндига .	= The shoemakers son always goes barefoot ;
		Чўпон кўп бўлса қўй ҳаром ўлади.	= Many cooks spoil the broth;
2.	Инсон тана аъзолари номларини ифодаловчи отлар	Битта калла калла, иккита калла тилла.	= Two heads are better than one;
		Беш қўл баробар эмас.	= All bread is not baked in one oven.
		Беш панжсанг ни оғзингга тикма.	= Grasp all, loose all;
3.	Мавҳум маъноли отлар	Тақдир дан қочиб бўлмайди.	= No flying from fate ;
		Вақт ақчадур, ғофил бўлсанг қочадур.	= Time is money;
		Сулаймон ўлди девлар қутилди.	= When the cats away the mice will play;
4.	Аниқ маъноли отлар	Икки кемани ушлаган дарёга ғарқ бўлади.	= If you run after two hares you will catch none;
		Ҳар жойни қилма орзу, ҳар ерда бор тошу тарози .	= In every country the sun rises in the morning;
		Шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирламайди.	= There is no smoke without fire;
		Темир ни қизиганда бос.	= Strike while the iron is hot;
5.	Ҳайвон номларини ифодаловчи отлар	Бир қарға билан қиш келмас.	= One swallow doesn't make summer;
		Жўжани кузда санаймиз.	= Don't count your chickens before they are hatched;
		Туянинг думи ерга текканда.	= When pigs fly;
		Қарға қарғанинг кўзини чўқимайди	= Hawks will not pick hawk's eyes;
6.	Ўсимлик номларини ифодаловчи отлар	Гул тикансиз бўлмас, дур – садафсиз.	= No rose without thorn;
		Ҳар гул нинг ҳиди бошқа.	= Every man has his price;
		Олмани нг тағига олма тушади.	= The apple never falls far from the tree;

7.	Сифатлар ва Феъллар	<i>Қуруқ қошиқ оғиз йиртар.</i>	= Empty vessels make the most noise;
		<i>Текин бўлса тошни ют.</i>	= There is no such thing as a free lunch;
		<i>Айбсиз парвардигор</i>	= Nobody is perfect;
		<i>Аввал ўйла, кейин сўйла</i>	= First think then speak ;
		<i>Балиқ бошидан сасийди</i>	= Fish begins to stink at the head;
		<i>Дўстингга қарз берма, берсанг сўрама</i>	= Lend your money and lose your friend;

Айрим тадқиқотчиларнинг фикрига кўра миллийликни ифодаловчи ўзбек халқ мақолларини бошқа тилларга таржима қилишда ҳам ўзига хос шу каби жиҳатларни инобатга олиш лозим. Авваламбор, мақоллардаги миллий лексикага эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, уларга хос тугал фикр ифодасини тасвирлаш ҳам янада муҳим ҳисобланади. Бундай паремиологик бирликларнинг аксариятини эса сўзма-сўз таржима қилиб бўлмайди. Ўзбекча миллий мақолларнинг айнан муқобиллари бошқа хорижий тилларда учрамаслиги ҳам табиий ҳол. Бинобарин, фақат ўзбек тилининг ўзигагина хос, ҳеч бир халқда учрамайдиган дурдоналари жуда кўп. Уларни таржима йўли орқали ҳам бошқа халқларга етказиш мумкин ва шу орқали хорижликларни ўзбек халқи маданияти ва қадриятлари билан таништириш имкониятига эга бўламиз.

Хулоса ўрнида қуйидагиларни таъкидлаш жоиз:

1. Таҳлил жараёнида шунга амин бўлдики, ўзбек тилида *яхшилик, ширин сўзлик, аҳиллик ва худбинлик, фаросат ва бефаросатлик* ҳақидаги мақоллар кўпчиликни ташкил қилса, инглиз тилида эса кўпроқ *тадбиркорлик, тажрибакорлик, илм, касб-ҳунар, иқтисод ва тежамкорлик* тўғрисидаги мақоллар кўп учрашини кузатдик.

2. Миллий қадриятларни ифодаловчи ўзбекча мақоллар ва уларнинг инглизча муқобиллари лексик жиҳатдан ўрганилганда улар ўртасида бир қанча ўхшашлик ва фарқлар мавжудлиги кўзга ташланади. Уларни дифференциал ва нодифференциал хусусиятларига кўра 1) компонентлари бир хил бўлган; 2) умуман ноўхшаш компонентли; 3) икки компоненти бир хил бўлган; 4) бир компоненти ўхшаш бўлган; 5) икки компоненти фарқ қиладиган; 6) бир компоненти фарқ қиладиган мақоллар каби гуруҳларга бўлиш мумкин.

3. Таҳлил қилинган паремиологик бирликларни ташкил этувчи таянч сўзлар семантик жиҳатдан кузатилганда уларни олти турга ажратиш мумкинлиги ойдинлашди: 1) инсонларни номлаш учун ишлатиладиган отлар, 2) ҳайвон номларини ифодаловчи отлар, 3) мавҳум маъноли отлар, 4) инсон тана аъзолари номларини ифодаловчи отлар, 5) аниқ отлар, 6) феъллар ва сифатларга.

4. Сўнгги йилларда мақол ва маталлар лингвомаданий нуқтаи назардан ўрганила бошланди. Бундай ўрганиш уларнинг мазмуний аспекти тўлиғича очиб беришга ёрдам беради. Мақол ва маталларни лингвомаданий нуқтаи назардан ўрганиш уларнинг миллий ва маданий хусусиятларини ўрганишга олиб келади.

4. Инглизча мақолларнинг стилистик жиҳатдан миллийлик хусусияти уларнинг экспрессив-эмоционал маъноси ҳамда образлилик хусусиятини бошқа тиллар паремиологиясининг стилистик қирралари билан қиёслагандагина маълум бўлади.

5. Бошқа тил мақол ва маталларини ўрганиш ўша мамлакатнинг ҳаёти ва маданияти билан танишишга ёрдам беради. Шунингдек, улар ҳаётда турли хил ҳолатлардаги фикр ва ғояларнинг бир-бирига ўхшашлигини ўргатади. Уларнинг ўзига хос миллийлиги паремиологик бирликларнинг структур-грамматик, лексик, стилистик, фонетик ва семантик хусусиятлари орқали намоён бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ашуров Ш.С. Инглиз ва ўзбек тилларидаги интернационал мақоллар таржимасидаги ассиметрик ҳолатлар. // Молодой ученый / Международный научный журнал. № 18 (308), 2020. – С. 384–386. <https://moluch.ru/archive/308/69407/>
2. Ashurov S.S., Suvonova N.N. Linguistic, Psychological and Theological Interpretation of “White” Colour (in the example of the French and Uzbek languages) // Journal of Positive School Psychology. – 2022. – С. 9550–9560-9550–9560.
3. Ашуров Ш.С. Феълларда симметрия ҳодисаси ва унинг грамматик моҳияти (Инглиз тили мисолида) // Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2022. – Т. 2. – №. Special Issue 24. – С. 16–21.
4. Бочина Т.Г. Русская пословица как диалог времен Русское слово в мировой культуре: Русский текст и дискурс сегодня. – СПб.: Политехника, 2003. – С. 46–53.
5. Колесов В.В. Афористика Древней Руси // Мудрое слово Древней Руси. – М., 1989.
6. Маслова В.А. Лингвокультурология. – М.: Академия, 2001. – С. 43.
7. Мезенцева Е.С. Пословичный фонд языка как фрагмент языкового сознания этноса // Вестник КазНУ. – №2. – 2005. – С. 25.
8. Муқумов Т.Б., Исламова О.Г. Қофиядош мақолларда миллий-маданий тушунчалар уйғунлиги (француз ва ўзбек тиллари мисолида). // Ўзбекистонда хорижий тиллар. – 2021. – № 1(36). – Б. 103–113. Scientific-methodological electronic journal “Foreign Languages in Uzbekistan”, <https://journal.fledu.uz>
9. Сувонова Н. Некоторые проблемы перевода узбекских пословиц на французский язык // Ученый XXI века. Международный научный журнал № 2-5 (15), 2016. – С. 46–49. http://www.uch21vek.com/assets/uch21vek_2_5_2016.pdf
10. Сувонова Н., Алиева Г. Ўзбек халқ мақолларини француз тилига таржима қилишнинг миллий хусусиятлари. Scientific-methodological electronic journal “Foreign Languages in Uzbekistan”, 2020, No 3(32), 192–205 <https://journal.fledu.uz>
11. Сувонова Н.Н., Долиева Л.Б. Французча ономатопик феъллар иштирокидаги ибораларда инсон руҳияти тасвири // Ўзбекистонда хорижий тиллар. – 2020. – № 2 (31). – Б. 65–79. // Scientific-methodological electronic journal “Foreign Languages in Uzbekistan” <https://journal.fledu.uz>
12. Шведова И.Ю. Теоретические результаты, полученные в работе над «Русским систематическим словарем» // Русский язык. – №1. – 1999. – С. 13.